

Страдает и логика – те эталоны добра и зла в чистом виде, к которым он привык видеть в компьютерных играх, «не работают» в настоящей реальности. В окружающей действительности всё намного сложнее. Не всегда можно провести чёткую границу: здесь «свои», а там – «чужие». Логическое мышление, привыкшее делить мир на «белое» и «чёрное», не справляется с ситуациями, присутствующими в реальной жизни.

Как результат – начинаются проблемы с учёбой, что далее провоцирует проблемы с родителями. Возникает парадокс: чем больше родители ругают подростка, тем больше он «закрывается», отгораживается от них, стремится уйти из-под родительской опеки, найти свою «зону комфорта».

Первое, что применяют вербовщики сект – это эмпатия и «бомбардировка любовью». Они сразу окружают вероятную жертву пониманием, поддержкой. Также активно эксплуатируется и социальный инстинкт – человек стремится быть среди людей, общаться, любить и получать любовь, заботиться и принимать заботу, подчиняться и подчиняться.

Кроме того во всех деструктивных культах простая логика – происходит чёткое разделение на друзей и врагов. «своих» и «чужих», что очень привычно подростку, сталкивающемуся с подобным аспектом в виртуальном пространстве.

И, наконец, молодому человеку не приходится обрабатывать разнонаправленную информацию, самому находить ответы на сложные вопросы в большом информационном потоке. Всё, что складывается в его сознание секта или религиозно-экстремистская организация чётко структурировано, предельно ясно и отражает знания только в одном направлении.

Воздействуя на психику, сектанты используют архетипы коллективного бессознательного. Это универсальные стимулы, запускающие неосознанный отклик, ассоциации, побуждения к действию и определяющие ценностный выбор [8]. В частности, вербовщиками часто применяются культовые архетипы, знакомые и близкие подростку по виртуальной среде: образы древней мифологии, упоминания различных божеств и героев. Широко

используется образ «запредельного» и традиционные сюжетные линии:

- Великое путешествие;
- Победа добра над злом;
- Спасение мира;
- Приобщение к тайнам прошлого и будущего.

Подобные архетипы можно найти в любом диалоге, сопровождаемом вовлечением в секту. Ученые подчёркивают, что сниженный когнитивный статус и, как следствие, недостаточный образовательный уровень не позволяют подростку понять, что в реальном мире всё происходит иначе, чем в предлагаемых сюжетных линиях, а недостаточная религиозная грамотность в области конфессионального направления веры предоставляет вербовщикам возможность сформировать любой образ и модель поведения.

Пользуясь пробелами в знаниях, возникших опять же на базе сниженного когнитивного статуса, в практике сект для большей убедительности используются и научные термины. Вербовщики ловко манипулируют такими понятиями, как внеземные цивилизации, волны, поля, лучи, гены и т.п.

И так, взаимосвязь снижения когнитивного статуса с вероятностью быть вовлечённым в деструктивный культ очевидна. В заключении хочется отметить, что мозг подростка не всегда успевает за развитием технологий – он вынужден противостоять постоянно увеличивающейся информационной нагрузке, которая влечёт за собой физиологические изменения и затрагивает когнитивные процессы, эффективность работы и многое другое.

В этой связи важно понимать, что в современных условиях невозможно изолировать молодых людей ни от современных технологий, ни от угрозы попадания в псевдонаучные оккультные организации. Однако возможно продумать и внедрить в практику различные меры, направленные на регламентацию использования подростками современных технологий во избежание снижения их когнитивного статуса.

Литература

1. Palfrey J., Gasser U. Born Digital: Understanding the First Generation of Digital Natives, Basic Books, 2008.
2. How Users Read on the Web. October 1, 1997 (<https://www.nngroup.com/articles/how-users-read-on-the-web/>).
3. Nicholas Carr. Is Google making us stupid? The Atlantic. July/August 2008.
4. Nicholas Carr. The Shallows: What the Internet Is Doing to Our Brains Inc., W.W.Norton & Company, 2010.
5. <http://advertise.bingads.microsoft.com/en-us/insights>.
6. Фримен Д. Проблема влияния электронной среды на интеллектуальное развитие и межличностные отношения одаренных и талантливых детей. // Психологическая наука и образование, 2015.
7. Сергеев С., Войскуцкий А. Психологическая безопасность в сети Интернет: постклассические представления. // V Съезд Общероссийской общественной организации «Российское психологическое общество», 2012.
8. Олейник И., Соснин В. Тоталитарная секта: как противостоять ее влиянию. -М.: Генезис, 2005.

РЕЗЮМЕ

Мақолада замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ёшларнинг когнитив статусига таъсири кўриб чиқилган. «Кўпвазифалилик» худди ахборот оғирликлардек идрок, диққат, хотира ва фикрлаш параметрларини пасайтиришга таъсири кўрсатилган. Когнитив статуснинг пасайиши сохта фан оккультизм ташкилотларига жалб қилинганлик имконияти билан ўзаро алоқаси намоён қилинган. Секталарга аъзоларни ёллаш баъзи бир усуллари кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается влияние современных информационно-коммуникационных технологий на когнитивный статус молодежи. Продемонстрировано воздействие многозадачности, как информационных перегрузок, на снижения параметров восприятия, внимания, памяти и мышления. Показана взаимосвязь сниженного когнитивного статуса с возможностью вовлечения в псевдонаучные оккультные организации. Раскрыты некоторые методы вербовки в секты.

SUMMARY

Influence of modern information-communication technologies on cognitive status of youth was considered in the article. Influence of multitasking, as information overloading, on perceptions, attention, memory and thinking parameters reduction was demonstrated. Interrelation of reduced cognitive status with possibility of involvement in pseudoscientific occult organizations was presented. Some methods of recruitment to sects were exposed.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ЎҚИТУВЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ

М.З.Айтимбетов - катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: Қорқалпоғистон, умумий ўрта таълим мактаблари, таълим ва тарбия мазмуни, ўқитувчи мутахассислар, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошланғич таълим ўқитувчилари, олий маълумотли ўқитувчилар.

Ключевые слова: Каракалпакстан, общеобразовательные школы, содержание обучения и воспитания, педагогические кадры, усовершенствование и переквалификация учителей, учителя начального образования, учителя высших образовательных заведений.

Key words: Karakalpakstan, general educational schools, the content of training and education, teaching staff, improvement and re-training of teachers, teachers of primary education, teachers of higher educational establishments.

Давлатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳар томонлама ривожланган, комил инсон шахсини тарбиялашда алоҳида ўрнига эга бўлган, ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятига доир фикрларида “педагогик касбга ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизқиқлини кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш” лозимлигига алоҳида урғу бериб, “буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланидиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”- дея, таълим соҳасида хизмат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар олдида ўта муҳим, ўта долзарб вазифаларни қўйган эди [1].

Бу борада, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш билан бир қаторда, малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Чунки моддий-

техник базалари ҳар томонлама кучайтирилган мактабларимизда модернизацияланган ўқув дастурлари орқали таълим сифатини юқорилаштириш учун замонавий билим, қўникма, малакаларга эга мутахассислар зарур бўлди. Бу таълим соҳасида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийларга ҳар томонлама боғлиқ эди. Шу нуқтаи назардан давлатимизда ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашнинг янги тизими яратилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврлариданоқ таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Таълим қозоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Қазоғистон ва Туркменистон Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ҳар йили 5 мингдан ортиқ ўқитувчиларнинг малакасини ошириш имконияти яратилди. 1991 йилда Халқ

таълими муассасалари ходимлари аттестациядан ўтказилди [2]. Ушбу йилларда мактабларни олий маълумотли кадрлар билан таъминланиш даражаси пастлиги кузатилди, яъни, 1993 йилда ўқитувчиларнинг 71,7 фоизи олий маълумотга эга эди [3].

Мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанлар мазмунан ва шаклан тубдан қайта ишлаб чиқилиб, улар янги таълим тизимимизга мослаштирилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб мазкур фанларни ўқитадиган малакали ўқитувчиларга зарурият туғилди ва ўқув юрталаримизда янги ихтисосликлар бўйича мутахассислар, айниқса олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш ишлари жадал олиб борилди.

Бошланғич таълимни сифатли ва самарали амалга ошириш мақсадида «Бошланғич таълим» концепцияси, ДТСлари яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги вазифаларни тўлиқ амалга ошириш жараёнида халқ таълими соҳасининг олий маълумотли педагог ходимларга бўлган талабини қондириш мақсадида олий ўқув юрталарида 2001 йилдан бошлаб ўрта махсус маълумотли 3 йиллик педагогик стажга эга бошланғич синф ўқитувчиларимиз учун 3 йиллик махсус сиртки бўлимлар ташкил этилди [4]. Жумладан, 2001-2002 ўқув йилида 8та, 2002-2003 ўқув йилида 12 та олий ўқув юрталарида махсус сиртки бўлимлар ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикасида олий маълумотли кадрлар тайёрлашда ўз нуфузига эга бўлган Қорақалпоқ Давлат университети махсус сиртки бўлимига 2001-2002 ўқув йилида 5 та бакалавр йўналиши бўйича талабалар қабул қилинган бўлса 2007 йилга келиб, жами 9 та йўналишда 1324 талаба таълим олди.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида 2002-2003-ўқув йилидан бошлаб иккита йўналиш (бошланғич таълим ва мактабгача таълим) бўйича махсус сиртки бўлим ташкил этилди. Режага мувофиқ «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» ихтисослигига 75 та (30 грант, 45 контракт), «Мактабгача таълим ва болалар спорти» ихтисослигига 25 та (10 грант, 15 контракт), жами 100 та ўрин ажратилди. Ушбу ўқув йилида 200 та абитуриент ҳужжат топшириб, шундан 93 таси талаба бўлишга муяссар бўлди [4].

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тамонидан 2003-2004 ўқув йилида олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига мактаблар учун зарур бўлган ихтисосликлар бўйича тавсия берилди. Натижада янги ўқув йили учун 5 та турдаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича режа тасдиқланди. Бу вақтларда Республика мактабларида 40 ёшга тўлмаган 9712 нафар ўрта махсус маълумотга эга ўқитувчилар фаолият кўрсатиб, уларнинг 5372 нафари бошланғич синф, 1340 нафари меҳнат таълими, 835 нафари жисмоний тарбия, 639 нафари рассомчилик ва чизмачиликдан, 513 нафари мусика ва 1013 нафари бошқа фанлардан дарс берар эди. Институтининг махсус сиртки бўлимига ҳужжатларни қабул этишга Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ яқиндан ёрдам бериб бўлимга ҳужжат топширганларнинг сони 710 га етказилди. Бешта йўналиш бўйича «Бошланғич таълим ва спорт, тарбиявий иш» ихтисослигига энг кўп ҳужжат жами 459 та ҳужжат топширилиб, бу махсус сиртки бўлимга ҳужжат топширганларнинг 65% ни ташкил этди. Шу билан ўрта махсус маълумотли бошланғич таълим ўқитувчилари ўз фаолиятларидан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имкониятига эга бўлдилар.

Қорақалпоғистон умумий ўрта таълим мактабларида 2003-2004 ўқув йилида фаолият юритаётган бошланғич синф ўқитувчилари сони жами 9656 нафарни ташкил этган бўлса,

шундан 1960 таси (20,3%) олий, 387 таси тугалланмаган олий (4,0%), 7309 таси (75,6 %) ўрта махсус маълумотга эга бўлган. Шундан 8691 таси (90,0 %) аёллар эди. 2007-2008 ўқув йилида жами бошланғич синф ўқитувчилари 9953 та бўлиб, шундан 2970 таси олий (29,8%), 770 таси тугалланмаган олий (8,2%), 6230таси (62,5 %) ўрта махсус маълумотга эга бўлган. Шундан 8831 таси (88,7 %) аёлларни ташкил этди.

Бу йилларда Нукус шаҳар, Амударё ва Тўртқул туманларида таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлашнинг таҳлилига кўра бу ишлар яхши йўлга қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, 1998 йил 26 декабрда Тўртқул тумани Халқ таълим бўлимининг мажлисида 12-д сонли қарор қабул қилиниб, шу асосда мактабларни педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1999-2005 йилларга мўлжалланган режаси тасдиқланган. Бу вақтларда Тўртқул туманида жами 67 та умумий ўрта таълим мактабларида 2987 та ўқитувчи фаолият олиб бориб, улардан 2200 нафари(72,5%) олий, 787 нафари (26,9%) ўрта махсус, 18 нафари тугалланмаган олий маълумотли бўлган [3].

Шу билан бирга малака оширишнинг 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастуридан келиб чиққан ҳолда самарали тизими яратилди. Бунда таълим муассасасининг буюртмасига асосан педагогнинг тоифаси, стаж, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «Режали-мажбурий» тизимидан «Йўналиштирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимига ўтказилиши бу тизимнинг самарадорлигини янада оширди.

Таълим мазмунининг тез суратларда янгиланиб бораётганлиги муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга келтирилди. Республикада амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар, ахборотлар оқимининг жадаллашувига мос равишда миллий истиклол гоёси туркумига кирувчи ҳамда информатика фани ўқитувчиларини заруриятга қараб ҳар 1-2 йилда малакаларини ошириб бориш кўзда тутилди. Педагогларнинг тоифаларига мос равишда олий ва 1-тоифали педагоглар учун 2 ҳафта (72 соат)га, 2-тоифали ва мутахассис педагоглар учун 3 ҳафта (108 соат)га мўлжалланган режа асосида ташкил этилди. Мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида, 2004 йилда белгиланган режа 104,5% га, 2005 йилда 101,6%га, 2006 йилда 102% га, 2007 йилда 109,2% га бажарилиб, жами 2004-2007 йилларда режа асосида 252225 нафар педагог ўрнига 262930 нафар педагог малака ошириб, режа 104,2% га бажарилган[4].

Умуман, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мактабларнинг педагог ходимлари таъминоти 2004-2005-ўқув йилида 98,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2007-2008-ўқув йилида бу кўрсаткич 99 фоизга ошди, унга мувофиқ, уч йил давомида таълим муассасаларининг педагог-кадрларга бўлган эҳтиёжи сезиларли тарзда 501 нафардан 334 нафарга камайди. 2004-йилда минтақада жами олий маълумотли ўқитувчилар 60,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда мазкур сифат кўрсаткичи 69, 2 фоизга, 2015 йилга келиб 81,5 фоизга ортди.

Мазкур ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш тизимидаги ислохотлар мустақил давлатимиз томонидан умумий ўрта таълим мактабларида келажагимиз бўлган ёш авлоднинг ўсиб ўлғайишида ўқитувчиларимизнинг ўрни, аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилаётганлидан дарак беради. Зеро, юксак салоҳиятга эга мутахассислар мамлакатимиз истикболлини қафолатлайдиган кучдир.

Адабиётлар

1. Баркамол авлод орзуси // Тузувчилар: Ш.Қурбанов, Х. Саидов, Р.Ахлиддинов – Т.: «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни, 1998. 184-б .
2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси архиви, ф.35, оп.1, д.146, 204-219-б.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жорий архив материаллари.
4. «Устоз жолы» газетасы, 2004, 8 июль, 2-6, 2007, 3- февраль, 3-6.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон умумий орта таълим мактаблари учун малакали ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш жараёни бўйича маълумотлар ўрганилган бўлиб, айниқса, таълим ва тарбия жараёни самарадорлигида олий маълумотли ўқитувчилар фаолияти аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается изучению вопросов процесса подготовки квалифицированных учителей для общеобразовательных школ в Каракалпакстане в годы независимости. Для эффективности и работы образования в сфере воспитания важную роль играет деятельность учителей с высшим образованием.

SUMMARY

The article is devoted to the study of issues of the process of training high-qualified teacher for general educational schools in Karakalpakstan for the years of Independence. It is emphasized that for the effective work in the sphere of education and upbringing the teachers with higher education play a great role.